

# Тошкент давлат юридик университетининг ОДОБ-АХЛОҚ КОДЕКСИ

## 1-боб. Умумий қоидалар

### 1-модда. Ушбу кодекс билан тартибга солинадиган муносабатлар

Ушбу Кодекс Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 апрелдаги ПФ–5987-сон “Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармониға мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Тошкент давлат юридик университети (кейинги ўринларда – Университет) педагог ва бошқа ходимлари, талабалари, докторантлари (кейинги ўринларда – ходим, талаба ва докторант) касбий одоб-ахлоқининг тамойиллари, нормалари, таълим жараёни ва хизматдаги хулқ-атворининг асосий қоидалари билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади.

### 2-модда. Одоб-ахлоқ кодексининг мақсад ва вазифалари

Одоб-ахлоқ кодексининг мақсадлари:

ходим, талаба ва докторантларда умумий маданиятни ривожлантириш;

Университет ходим, талаба ва докторантларининг замонавий имижини шакллантириш; ходим, талаба ва докторантларни Университет ва унинг қадриятларига ҳурмат руҳида тарбиялаш;

таълим муассасаси одоб-ахлоқи тушунчасини такомиллаштириш ва Университетда ташқи кўриниш ва хулқ-атворга бўлган талабларға оид ягона ёндашувни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Одоб-ахлоқ кодексининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

хуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, ходим талаба ва докторантлар орасида одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш билан боғлиқ бўлган номақбул ҳатти-ҳаракат, жумладан, зўравонлик, шафқатсизлик ва ҳаёсизликни тарғиб ва ташвиқ қилиш, шунингдек, турли салбий иллатлар ва миллий менталитетимизға ёт бўлган ғоя ва қарашлар, экстремизм, сепаратизм, фундаментализм ва “оммавий маданият”нинг таъсир ҳамда хуружларидан ҳимоя қилиш;

мазкур номақбул ҳатти-ҳаракатлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш;

ходим, талаба ва докторантларни юксак ҳуқуқий онг, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига қатъий риоя қилиш руҳида тарбиялаш;

ходим, талаба ва докторантларда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини доимо ҳурмат қилиш ва ҳимоя қилиш кўникмасини шакллантириш ва юксалтириш;

ходим, талаба ва докторантларда ватанпарварлик, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш ва уларни миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш;

Университетда соғлом ижтимоий-психологик муҳитни шакллантириш ва ривожлантириш;

Университет ходим, талаба ва докторантларида ташқи кўринишга оид маданиятни шакллантириш учун шароитлар яратиш;

Университетнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ҳамда таълим тизимидаги нуфузи, обрў-эътиборини асраб-авайлаш ва янада ошириш.

### **3-модда. Кодекснинг амал қилиш доираси**

Ушбу Кодекс Университетнинг барча ходим, талаба ва докторантларига нисбатан татбиқ этилади.

## **2-боб. Кодекснинг принциплари**

### **4-модда. Университет ходим, талаба ва докторантлари ҳуқ- атворининг асосий принциплари**

Мазкур Кодекс қонунийлик, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги, ватанпарварлик, хизмат ва ўқиш бурчига содиқлик, адолат, ҳалоллик ва холислик, самарадорлик ва тежамкорлик принципларига асосланади.

### **5-модда. Қонунийлик принципи**

Университет ходим, талаба ва докторантлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига сўзсиз риоя қиладилар ҳамда ўз хизмат ва ўқиш мажбуриятларини лавозим йўриқномалари, меҳнат шартномалари, ушбу Кодекс қоидалари, Университет Ички тартиб қоидалари ҳамда таълимга оид бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ бажарадилар.

### **6-модда. Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги принципи**

Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари Университетнинг олий қадрияти бўлиб ҳисобланади. Университет ходим, талаба ва докторантлари фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний

манфаатлари бузилишига йўл қўймадилар ва бундай бузилишлар рўй берган ҳолларда уларни тиклашга кўмаклашадилар.

**7-модда. Ватанпарварлик, хизмат ва ўқиш бурчига содиқлик принципи**

Университет ходим, талаба ва докторантлари ўз ўқиш ва хизмат фаолиятларини маънавий-ахлоқий қадриятлар, Ватанга садоқат, хизмат ва ўқиш бурчига содиқлик асосида жамиятнинг Университетга бўлган талаби ва ишончини ифодалаган ҳолда амалга оширадилар. Ходим, талаба ва докторантлар ўз ўқиш ва хизмат бурчларини ўзаро хайрихоҳлик, ўз манфаатлари ва мафкуравий қарашларидан қатъий назар лозим даражада бажарадилар.

**8-модда. Адолат, ҳалоллик ва холислик принципи**

Университет ходим, талаба ва докторантлари ўз хизмат ва ўқиш фаолиятларини амалга оширишда адолатли, ҳалол ва холис бўлишлари ҳамда Университетга, унга тегишли бўлган сайтлар ва ижтимоий тармоқларга мурожаат қилган барча юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан ушбу принцип талаблари асосида муносабатда бўлишлари шарт.

**9-модда. Самарадорлик ва тежамкорлик принципи**

Университет ходим, талаба ва докторантлари ўз фаолияти самарадорлигини инновацион технологияларни татбиқ этиш ва бошқа йўллар билан доимий равишда ошириб борадилар.

Университет ходим, талаба ва докторантлари, ўз навбатида Университетнинг мулкига, ўзининг ва бошқа шахсларнинг вақтига масъулият ва эҳтиёткорлик билан ёндашадилар.

**3-боб. Коррупцияга қарши курашиш**

**10-модда. Коррупциянинг ҳар қандай шакл ва кўринишини қабул қилмаслик**

Университет ходим, талаба ва докторантлари коррупциянинг ҳар қандай шакли ва кўринишини қабул қилмайдилар ва унинг бирор-бир тарзда намоён бўлишига қарши ҳамжиҳатликда қонуний чораларни кўрадилар.

Ходим, талаба ва докторантлар коррупцияга қарши курашишлари ва унинг профилактикасига фаол кўмаклашишлари, шунингдек, Университет коррупцияга қарши курашиш Дастури ва Тошкент давлат юридик

Университети ходим, талаба, ўқувчи ва докторантлари томонидан коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этишга оғдириш мақсадида мурожаат қилиш ҳолатлари ҳақида хабардор қилиш тўғрисида Низом талабларини сўзсиз бажаришлари, ўз фаолиятларини ошқора ва адолатли амалга оширишлари, юқори ахлоқий кадриятлар ва принципларга содиқ қолган ҳолда қонун устуворлигига қатъий риоя этишлари шарт.

#### **4-боб. Ходим, талаба ва докторантлар юриш-туриш ва расмий мулоқотига оид талаблар**

##### **11-модда. Университетда кийиниш ва ташқи кўринишга оид қоидалар**

Университет ходим, талаба ва докторантлари ўз ўқиш ва касбига мос бўлган замонавий кийимда бўлишлари лозим.

Университет ходими, талабаси ва докторанти бўлган хотин-қизлари диққатни тортадиган, хусусан, танани шаффоф кўрсатиб турадиган, елка, кўкрак ва қорин, тиззадан юқори қисмлари очик қоладиган ҳамда ҳаддан зиёд тор кийимда, шунингдек, қулоқчинлар, қулоқ ва бармоқлардан ташқари тананинг турли қисмларига турли зирак ёки металл буюмлар билан, танасининг кўриниб турадиган қисмида пирсинг ёки татуировкада Университетга келишлари мумкин эмас. Шунингдек, талабаларнинг университетга келиши рухсат этилган формасига турли дин ва конфессиялар ҳамда субмаданиятларга мансубликни акс эттирувчи элементларни (ҳижоб, кипа, кашая, хоч ва бошқалар) қўшишга йўл қўйилмайди.

Талаба-қизлар Университетга оч рангли ва ёрқин рангда бўлмаган блузкаларда, тиззани ёпиб турадиган юбка ёки одми костюм ва тўқ рангдаги пойабзалда келишлари лозим, шунингдек, ўзлари билан зарурий ўқув воситаларини олиб келишлари шарт.

Университет ходими, талабаси ва докторанти бўлган эркаклар оқ, ҳаворанг, оч жигар ранг ёки оч кулранг кўйлақда, классик услубдаги шим ёки одми костюм, галстукда ва тўқ рангдаги пойабзалда келишлари лозим. Бунда, талабалар ўзлари билан зарурий ўқув воситаларини олиб келишлари шарт.

Ходим, талаба ва докторантларнинг аудитория ва хизмат хоналарида устки кийим (плаш, пальто, куртка кабилар) да юришлари тақиқланади.

Ходимлар, талабалар ва докторантларнинг ташқи қиёфаси ва кийимлари озода, покиза бўлиши лозим.

##### **12-модда. Мажлис ва йиғинларда иштирок этиш**

Университет ходим талаба ва докторантлари турли тадбирлар (мажлислар, тантанали йиғилишлар, учрашувлар, байрамлар)даги иштироки жараёнида сўзга чиқувчиларга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишлари, тадбир давомида тинчлик ва осойишталикни сақлашлари шарт бўлиб, раислик қилувчи ва модераторнинг рухсатисиз лўқма ташлаш ва сўзга чиқиш мумкин эмас. Зарурат туғилганда нутқлар ўртасида мажлислар залидан чиқиб-кириш мумкин.

### **13-модда. Биноларда юриш-туриш қоидаларига амал қилиш**

Биноларга кириш ва чиқиш жойларида, шунингдек, йўлакларда талабалар ходимларни, эркаклар аёлларни, ёшлар эса катталарни ўзларидан олдин ўтказиб юборишлари лозим.

Бинога кираётган ҳар бир шахс биноларга кириб-чиқишни назорат қилиш учун тайинланган масъул шахс ёки навбатчига ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни (хизмат ёки талабалик гувоҳномаси, паспорт ва ҳ.к.) очиқ ҳолда кўрсатишлари ёки махсус берилган ID-карта орқали турникетлардан ўтишлари шарт.

Ходим, талаба ва докторантлар Университет худудида йўлнинг ўнг томонидан юришлари, шунингдек, йўлак ва холларда мобиль алоқа воситалари орқали баланд овозда гаплашмасликлари керак. Бир-бирларига дуч келганда саломлашишлари, бунда: талабалар ходимларга, ёшлар катталарга биринчи бўлиб салом беришлари тавсия этилади.

### **14-модда. Ходим, талаба ва докторантларнинг расмий мулоқот меъёрлари**

Университет ходим, талаба ва докторантлари ташкилот ва муассасалар, оммавий ахборот воситалари ҳамда фуқаролар билан ўзаро муносабатга киришганда қуйидаги расмий мулоқот меъёр ва қоидаларига амал қилишлари керак:

ўз ҳаракатларини Университет манфаатларини кўзлаб амалга ошириш, унинг имижини сақлаш ва ошириш, Университет, унинг ходимлари, талабалари ва докторантлари номи ва манфаатларига зиён етказадиган ҳаракатларни амалга оширмаслик, шунингдек, улар билан мулоқот қилганда ҳамда ижтимоий тармоқлардаги ёзишмаларида ўзларининг намунали хулқ-атвори билан Университет ҳақида юксак ижобий таассурот уйғотиш;

Университет, унинг ходим, талаба ва докторантлари ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган ёки нотўғри талқин қилинган, нотўғри талқин қилиш учун имкон берадиган маълумотларни тарқатмаслик, бундай маълумотлар

тарқалишига йўл қўймаслик, шунингдек, жамоат олдида ва ижтимоий тармоқларда бу мавзуда чиқишлар қилмаслик;

ходим, талаба ва докторантларнинг розилигисиз уларнинг шахсий ҳаётига оид маълумотларни ошкор қилмаслик;

ходим, талаба ва докторантлар ҳақида уларнинг касбий ва ўқув фаолиятига оид бўлмаган маълумотларни аниқлаштирамаслик;

хизмат ахборотларини тақдим этиш қоидаларига амал қилиш;

сўралган ахборотни етарлилик (ҳаддан ташқари қисқа шу билан бирга ўта керагидан ортиқ) ва ишончлилик (қайта текширишни талаб қилмайдиган) талабларига мувофиқ ҳолда тақдим этиш;

ўз хизмат вазифаларини бажариш жараёнида олинган маълумотлардан мақсадга мувофиқ бўлмаган тарзда фойдаланмаслик, шунингдек, уларни Университет раҳбарияти рухсатисиз тарқатмаслик;

ходим, талаба ва докторантларнинг таълим жараёнидаги фаолияти ва касбий ҳаракатларини асоссиз танқид қилмаслик, жамоат олдида чиқишлар, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ва турли хил ижтимоий тармоқларда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ва Университет фаолияти, унинг ходимлари ҳаракатларини ҳақиқатга тўғри келмайдиган, асоссиз ва аниқ далилларга асосланмаган ҳолда муҳокама қилмаслик ва улар ҳақида баҳо бериб, фикр-мулоҳазалар билдирмаслик.

### **15-модда. Иш ва ўқиш вақтига риоя қилиш**

Ходим, талаба ва докторантлар дарс машғулоти ва ишга ўз вақтида келишлари, меҳнат ҳамда ўқиш интизомига риоя қилишлари шарт.

### **16-модда. Университетда ғайриахлоқий ва ножўя хатти-ҳаракатларни содир этишга йўл қўйилмаслиги**

Талаба ва докторантнинг ўқишига, ходимнинг эса Университетда меҳнат фаолиятини юритишига тўсқинлик қиладиган қуйидаги ғайриахлоқий ва ножўя хатти-ҳаракатларни содир этиши қатъиян тақиқланади:

ҳар қандай ҳуқуқбузарлик ёки жиноят содир этиш, жумладан, тухмат қилиш, ҳақоратлаш;

гиёҳванд моддалар, психотроп воситалар ва уларнинг аналоглари, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш ва тарқатиш;

тинчлик ёки осойишталикка қарши тажовуз қилиш, жанжаллашиш, кимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар ўйнаш;

Университетга моддий ва унинг ишчанлик обрўсига салбий таъсир этувчи маънавий зарар етказиш;

ходим, талаба ва докторантларга жисмоний, маънавий ёки моддий зарар етказиш;

Университет атроф-муҳитини ҳар қандай кўринишда ифлослантириш;

Университет бинолари ва ховлисида, шунингдек, Университет биноларига туташган ҳудудда спиртли ичимликлар ичиш ва тамаки ёхуд бошқа турдаги маҳсулотларни чекиш ҳамда маст ҳолда бўлиш, ташқи кўринишга ва ушбу Кодексда белгиланган қоидаларга зид равишда соч-соқоли ўсган, тўзғиган ва кийиниш талабларига риоя қилмаган ҳолда келиш;

Университетга тегишли компьютерларда Университетга тегишли бўлмаган маълумотларни, шунингдек, турли кинофильмлар, ноқонуний маълумотлар, беҳаё сурат ва фильмлар, миллий, ирқий, этник, диний адоватни тарғиб қилувчи, экстремистик, сепаратистик ва фундаменталистик кайфиятдаги ҳар қандай материалларни тайёрлаш, кўриш, сақлаш, тарқатиш ва уларга даъват этиш;

ўқув машғулотлари ва ишга ҳамда ходим ва талабаларнинг осойишталигига халақит берадиган хатти-ҳаракатлар содир этиш (радиоузатгич, телевизор, мультимедиа ва овоз чиқарувчи мосламалардан мақсадсиз фойдаланиш);

умумбашарий ва миллий қадриятларга хос бўлмаган ёки Университет, унинг ходимлари нуфузига путур етказадиган материалларни Интернет тармоғи ва бошқа ижтимоий тармоқларга жойлаштириш ёки улардан турли номувофиқ мақсадларда фойдаланиш.

Ходимлар, талабалар ва докторантлар томонидан Университетнинг ишчанлик обрўси, кадр-қиммати ва нуфузини туширадиган, таълим жараёнининг маънавий бузилишига олиб келадиган агрессия, одамларнинг шаъни ва кадр-қимматини камситадиган, зўрлаш ва ваҳшийлик, вандализм, миллатлараро низо кўзғатадиган, диний йўналишдаги, терроризм, экстремизм, ва фундаментализм, шунингдек, беҳаё ва ишқий саҳналарни намоён қиладиган фотосуратлар, видео ва аудиоёзувлардан фойдаланиш ва уларнинг тарқатилишига йўл қўйилмайди.

Шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ва Университет фаолияти, унинг ходимлари ҳамда талабалари шаъни ва кадр қиммати ҳамда ишчанлик обрўсига салбий таъсир қилувчи ҳақиқатга тўғри келмайдиган, асоссиз ва текширилган далилларга асосланмаган турли хил кўринишдаги маълумот, фикр, мулоҳаза ва муносабатларни Интернет, ижтимоий тармоқлар, шунингдек, бошқа оммавий ахборот манбаларида, тарқатувчиларда, ташувчиларда пайдо бўлиши (ошкор этилиши) ҳамда шундай маълумотларга

ижобий муносабат билдириш (“лайк” босиш, репост қилиш) мазкур талаба ва докторантнинг ўқишига, ходимнинг эса Университетда меҳнат фаолиятини юритишига тўқинлик қиладиган ғайриахлоқий ва ножўя хатти-ҳаракат ҳисобланади.

## **5-боб. Университет раҳбариятининг одоб-ахлоққа оид мажбуриятлари ва касбий фаолиятда манфаатлар тўқнашувига йўл қўймасликка оид тартиблар**

### **17-модда. Раҳбарнинг мажбуриятлари**

Раҳбарият ҳамда таркибий бўлинма раҳбарлари (кейинги ўринларда – раҳбар) ўзига бўйсунувчи ходимларга нисбатан юқори профессионаллик, холислик, софлик ва адолатда ўрнатилган бўлиши, Университет ёхуд унинг таркибий бўлинмасида ижобий, маънавий-психологик муҳит шаклланишига кўмаклашиши лозим. Раҳбар бўйсунувчи ходимлардан уларнинг хизмат вазифалари доирасидан чиқувчи топшириқларни бажаришини талаб қилмаслиги, шунингдек, қонунга хилоф хатти-ҳаракатларни содир этишга ундамаслиги керак.

Раҳбар ўз фаолиятида:

кадрларни қариндошлик, ҳамшаҳарлик ёки шахсий садоқат белгилари бўйича танлаш ва жой-жойига қўйиш ва меҳнат муносабатларида камситиш ҳолатларига йўл қўймаслиги;

гуруҳбозлик, маҳаллийчилик, фаворитизмга, шунингдек, ўз хизмат вазифаларини бажариш жараёнида бошқа салбий омилларнинг келиб чиқишига йўл қўймаслиги;

кўполлик қилмаслиги, одамларнинг шаъни ва кадр-қимматини камситмаслиги, уларга психологик ва жисмоний таъсир кўрсатмаслиги;

манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уларни тартибга солиш юзасидан ўз вақтида чора-тадбирлар кўриши;

коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриши;

ходимларнинг касбий ва интеллектуал жиҳатдан ривожланишлари учун қулай иш жойи, замонавий компьютерлар, интернет тармоғи, кутубхона фонди ва ахборот ресурсларидан эркин фойдаланишлари, ҳордиқ чиқаришлари, дам олишлари, жисмонан чиниқишлари учун барча шароитларни ички имкониятлардан келиб чиқиб яратиб бериши;

ходимлар фаолиятини самарали ташкил этиб, ўзига ишониб топширилган мулкка ва молиявий маблағларга эҳтиёткорлик ва тежамкорлик билан муносабатда бўлиши шарт.



Раҳбар қўл остидаги ходимларнинг меҳнат интизомига риоя қилишларини талаб қилиши ва уни таъминлашга масъулдир.

## **6-боб. Ходим, талаба ва докторантларнинг ўзаро муносабатларига оид талаблар**

### **18-модда. Ходим, талаба ва докторантларнинг ўзаро муносабатлари**

Ходим, талаба ва докторантларнинг ўзаро муносабатлари миллий кадрият ва анъаналар, ягона жамоавий муҳит, ўзаро ҳурмат ва эътибор, дўстлик, ҳамжиҳатлик, ҳалоллик ва адолат тамойилларига асосланиши лозим.

Ходим, талаба ва докторантларнинг ўзаро муносабатларида инсон қадр-қимматига ҳурматсизлик, шахсиятни камситиш, ўзганинг интеллектуал мулкани ўзлаштириб олиш, қўполлик, беҳаё сўзлар ишлатиш, муштлашиш қатъиян ман этилади.

Педагог ходимлар томонидан талабаларга нисбатан ўқув ва тарбия жараёнидаги юқори талабчанлик уларнинг шахсини ҳурмат қилиш билан биргаликда амалга оширилиши керак.

### **19-модда. Педагог ходим ва талабаларнинг аудиториядаги ва ундан ташқаридаги ўзаро муносабатлари**

Педагог ходим аудиторияга кирганида, барча талабалар ўринларидан туриб ҳурматларини билдирган ҳолда кутиб олишлари, сўнгра педагог ходим саломлашиб, ўтиришга рухсат бергач, ўз жойларини эгаллашлари керак. Педагог ходим дарсини тугатиб, аудиториядан чиқиб кетаётганда ҳам талабалар ўринларидан туриб, кузатиб қўйишлари лозим.

Педагог ходимлар ўқув жараёни ва бошқа ҳолатларда ҳам талабаларнинг шахсини ҳурмат қилиши, улар билан муносабатда очиклик ва хайрихоҳлик тамойилларига амал қилиш, талабаларга таълим бериш жараёнида ўз вазифаларини беғараз амалга ошириши, талабага муносабатда уларни камситиш, қўпол сўз ишлатиш, ўзини юқори тутиш ва таниш-билишчилик каби ёндашув шакллари мутлақо қўлламаслик, уларга нисбатан доимо ҳаққоний муносабатда ва холис бўлишлари шарт.

Педагог ходимлар талабаларга уларни қизиқтирган фан ёки ўқув курсига оид масалалар юзасидан дарс жараёнидан ташқари вақтларда берган саволларига ҳам ахлоқ меъёрларига амал қилган ҳолда жавоб қайтаришлари ва уларни фанга бўлган қизиқиш ва иштиёқларини ошириш чораларини кўришлари зарур.

## **20-модда. Академик таъқиб ва тазйиққа йўл қўйилмаслиги**

Университет ҳаётида раҳбарият ёки педагог ходим томонидан талабаларни уларнинг розилигисиз муайян ишларга жалб этганлик, ҳақ тўламасдан уларнинг меҳнат кучидан фойдаланиш (Университет ва унга бириктирилган бошқа ҳудудда Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан хавфсизлик стандартларига қатъий риоя қилинган ҳолда ихтиёрий шанбалик ва бошқа турдаги тадбирлар ташкил этилган ҳоллар бундан мустасно) мақсадида уларга мурожаат этилганида, талабалар томонидан бундай сўровга рад жавобининг берилиши педагог ходим томонидан келгусида уларга дарс машғулотида паст баҳо қўйиш ёки бошқа турдаги тазйиқ ва таъқиб (academic harassment) қилиш билан боғлиқ муносабат кўрсатилишига имкон бермайди ва бундай таъқиб қаттиқ қораланади.

## **21-модда. Уяли алоқа воситаларидан фойдаланиш**

Дарс машғулотлари вақтида уяли алоқа воситаларидан фойдаланиш барча учун қатъиян тақиқланади. Уяли алоқа воситаларидан фойдаланишга зарур ва узрли ҳолатларда педагог ходимнинг рухсати билангина рухсат этилиши мумкин.

## **22-модда. Дарс машғулотида иштирок этиш**

Талабаларнинг дарсга кеч қолиб келишларига йўл қўйилмайди. Лекин узрли сабабга кўра дарсга кеч қолган талаба узр сўраб, педагог ходимнинг ижозати билан аудиторияга кириб ўз жойини эгаллаши мумкин.

Педагог ходим дарс машғулотларига ўзининг ножўя ҳаракатлари билан халақит бераётган талабани юзага келган вазият ҳақида факультет деканини (у ўз ўрнида бўлмаганда декан ўринбосари ёки тьютор-гуруҳ мураббийсини) хабардор қилган ҳолда дарсдан четлатиши мумкин.

## **23-модда. Дарс машғулотидан ташқари вақтда мулоқот қилиш**

Талаба учун педагог ходим билан дарс машғулотларидан ташқари вақтда мулоқот қилиш зарурати бўлса, у ҳолда мулоқот:

маслаҳат соатлари, мустақил иш ёки ўзаро келишув бўйича белгиланган вақтда амалга оширилиши мумкин;

талаба ўзи мулоқот қилмоқчи бўлган педагог ходимнинг лавозими, исми, отасининг исми ва фамилиясини билиши мақсадга мувофиқ.

Асосланган жиддий сабаблар (қўполлик, тамагирлик, дарс сифатининг пастлиги, педагог ходимнинг айби билан машғулотлар ўтказилишидаги мунтазам узилиш ҳолларини исботловчи далиллар ва б.) ҳамда гуруҳ (курс)нинг яқдил фикри мавжуд бўлган ҳолатларда талабалар педагог ходимни алмаштириш ҳақида илтимос билан факультет деканига мурожаат қилишлари мумкин.

#### **24-модда. Субординация**

Раҳбар ходимларга ходим, талаба ва докторантлар томонидан бирон-бир масала юзасидан вужудга келган ҳолатлар бўйича мурожаат қилиниши муайян тартиб (субординация тамойили), яъни муносабат билдиришдаги раҳбарият бўғинларига босқичма-босқич чиқиш асосида ташкил этилади. Университет ректорига талабаларнинг тўғридан-тўғри мурожаат қилиш ҳолатлари бундан мустасно.

#### **25-модда. Ташаббус ва фаоллик**

Ходим, талаба ва докторантларнинг Университетда маънавий-ахлоқий муҳитни янада яхшилаш, таълим сифатини ошириш, инновацион ғоялардан самарали фойдаланиш, турли хил манфаатли тадбирлар уюштириш бўйича ташаббус ва ғоялари рағбатлантирилади.

#### **7-боб. Ходим, талаба ва докторантларнинг одоб-ахлоққа оид мажбуриятлари**

#### **26-модда. Одоб-ахлоққа оид мажбуриятлар**

Университетга ўқишга, ишга кираётган шахслар мазкур Кодекс билан ёзма равишда (имзо чектириб) таништириладилар.

Ходим, талаба ва докторантлар:

қонун ҳужжатлари ва мазкур Кодекс талабларига риоя этишга;

доимо юксакликка интилиш, ҳалоллик ва адолат билан ҳаёт кечириш каби олижаноб фазилатларни чуқур англашга;

одоб-ахлоққа оид миллий анъаналаримиз, урф-одат ва кадриятларимизни ҳурмат қилишга;

ўз устиларида доимий равишда ишлаш ва қабул қилинаётган қонун ҳужжатларини мунтазам равишда ўрганиб боришга;

ўз вазифаларини виждонан, профессионал даражада амалга оширишга;

Университет обрў-эътибори ва нуфузига доғ туширадиган ҳар қандай ҳаракатларни содир этишдан ўзини тийишга;

Университет тўғрисидаги ахборотлардан унинг манфаатлари ва ишчанлик обрўсига зиён етказиш мақсадида фойдаланмасликка;

Университет мулкига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш (кўчар ва кўчмас мулк, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига ва б.), шу жумладан, хизмат вазифасини бажариш учун берилган моддий техника воситаларидан тўғри ва тежамкорона фойдаланишга;

электр энергияси ва сувни тежамкорона ишлатишга;

бирон-бир нохуш воқеа ёки ҳодиса рўй берса, у ҳақда зудлик билан Университет раҳбариятига хабар беришга;

белгиланган чекловлар ва тақиқларга риоя қилиш, ўз вазифаларини оғишмай бажаришга, ходим, талаба ва докторантларнинг шахсий ва оилавий муаммоларини муҳокама қилмасликка, ҳеч бир шахс ҳақида жинси, ирқи, миллати, тили, диний эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши ва лавозими ҳақида ҳамда бошқа хусусиятларидан қатъи назар нотўғри фикр юритмасликка ва уни камситмасликка;

ходим, талаба ва докторантлар, шунингдек, бошқа шахслар ҳақида турли ифво, фитна, ғийбат ва бўҳтонлар уюштирмасликка ва тарқатмасликка;

Университет ишчанлик обрўси ёки нуфузига путур етказадиган низоли вазиятларга йўл қўймасликка;

ходим, талаба ва докторантнинг меҳнат ва ўқув жараёнидаги саъй-ҳаракатларига қасддан зиён етказмасликка;

давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг, шунингдек, Университет раҳбариятининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган (берган) қарорларини (топшириқларини) ўз вақтида ва сифатли бажаришга;

шахсий фойдаси ҳамда ўзгалар манфаатини кўзлаб ўз мавқеини суиистеъмол қилмасликка;

ҳақиқатни гапиришга, раҳбарлар ва бошқа ходимларни чалғитмасликка;

мутасадди ходимларнинг рухсатсиз турли реклама воситаларини ўрнатмасликка;

касбий фаолияти давомида ўзларига маълум бўлган, уларнинг ошкор этилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб бериладиган ахборотнинг сақланиши ва махфийлигини таъминлаш юзасидан барча чораларни кўришга;

соғлом турмуш тарзини юритиш ва атрофдагиларнинг соғлиғини сақлашга ғамхўрлик қилиш, эстетик ва экологик маданиятнинг ошишига кўмаклашишга;

танқидий мулоҳазаларни билдиришга ва объектив қарор қабул қилишга, ўз хато ва камчиликларини англаш ва бартараф этишга;

моддий жиҳатдан яхши таъминланганлигини турли йўллар билан атайлаб кўз-кўз қилмасликка;

Ахборот-ресурс маркази ходимлари билан хушмуомала бўлишга, китоблар ва жиҳозларга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга, у ерда уяли алоқа воситаларини ўчириб қўйиш ёки овозсиз режимга қўйишга, баланд овозда сўзлашмаслик ва атрофдагиларга халақит бермасликка, озиқ-овқат истеъмол қилмаслик, қоғоз, сақич ва бошқа чиқиндиларни қолдириб кетмасликка, китобларни олиш ва топшириш тартиб-қоидаларига риоя қилишга;

спорт мажмуасига спорт кийими ва пойабзалида киришга;

спорт инвентарларига нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлишга;

машғулотлардан кейин спорт инвентарларини белгиланган жойларга қайта топширишга;

спорт мажмуасининг белгиланган тартиб-қоидаларига риоя қилишга;

Университет аудиториялари, бинолари ва биноларга туташган ҳудудда тозаликни сақлашга;

ҳудудни ифлослантирмаслик, чиқиндиларни жойларда қўйилган махсус кутиларга ташлашга;

шахсий автомобилни тақиқланган жойда қолдирмаслик, йўл ҳаракати қоидаларини бузмаслик ва менсимасликка (бепарво бўлиш), шунингдек, транспорт воситаларидан фойдаланишда хавф-хатар яратмасликка;

иш (ўқиш)дан ташқари вақтда умумий қабул қилинган одоб-ахлоқ нормаларига риоя этишлари, ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга йўл қўймасликка мажбур.

## **27-модда. Одоб-ахлоққа оид қўшимча талаблар**

### **а) талабалар:**

нутқ маданиятини доимий такомиллаштириб боришга;

талабаларнинг ўз-ўзини бошқариш тизимини фаол қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш, ижодий фаолиятни ривожлантириш ва жамоавий маданиятни ўстиришга;

педагог ходим билан бошқа талабаларнинг баҳосини муҳокама қилмасликка;

ёзма ишларни ҳимоя қилиш ва рейтинг назоратига доир тартиб-қоидани бажариш вақтида четдан ёрдам олмаслик, ўзгаларга ёрдам кўрсатмасликка;

бошқа шахслар томонидан тайёрланган топшириқлар ёки ёзма ишларни ўз номидан топширмасликка;

машғулотларни сабабсиз ўтказиб юбормасликка ва дарсларга сабабсиз кечиқиб келмасликка;

ўқув машғулоти вақтида Университет ҳудудида беҳуда юрмасликка;  
дарс машғулоти ўтиладиган вақтда факультет деканлари,  
магистратура бўлими бошлиғининг рухсатисиз Университет ҳудудидан кетиб  
қолмасликка;

ходим, талаба ёки докторант билан низоли вазият юзага келганда ўз  
ҳиссиётларини жиловлашга ва мазкур вазиятни кўриб чиқиш бўйича тегишли  
бўлинма ва ходимларга (мураббий (тьютор), декан, Ўзбекистон ёшлар  
иттифоқи бошланғич ташкилоти, Маънавият ва маърифат маркази) мурожаат  
қилишга;

ўқув жараёнида фаол, эътиборли бўлишга ва педагог ходимнинг  
кўрсатмаларига қатъий риоя қилишга;

дарс вақтида гаплашмаслик ҳамда дарс машғулоти тааллуқли  
бўлмаган ишлар билан шуғулланмасликка;

жиҳозларга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, стол ва стулларга  
ёзмасликка;

қоғоз, сақич ва бошқа кераксиз нарсаларни аудиторияда қолдириб  
кетмасликка;

машғулотлар давомида овқатланмаслик, сақич чайнамасликка,  
шунингдек, шахсий компьютер ва бошқа коммуникация воситаларидан фақат  
педагог ходим рухсати билан фойдаланишга;

педагог ходимга машғулотлар вақтида савол ёки илтимос билан қўл  
кўтарган ҳолда ва рухсат берилганидан сўнг мурожаат қилишга;

умумий овқатланиш жойларида таомларга буюртма бериш ва олишда  
навбат тартибига ҳамда белгиланган қоидаларга риоя қилишга;

Талабалар турар жойи Ички тартиб қоидасига қатъий риоя қилишга;  
жамоат хавфсизлик манфаатларидан келиб чиқиб, имкон даражасида  
Университетга жамоат транспортида келишга;

#### **б) ходимлар:**

ўз хизмат жойидаги тартиб-интизомга ва Университет ички тартиб  
қоидаларига риоя қилишга;

таътилдан олдин ёки меҳнат шартномаси бекор қилинганда ўз хизмат  
жойини талабга жавоб берадиган ҳолатда қолдиришга, ўз зиммасидаги  
оргтехника воситалари ва бошқа материалларни, ўзига топширилган, лекин  
хали яқунланмаган вазифаларни бошқа шахсга топширмасликка;

телефон орқали мулоқот қилишда муомала маданияти ва ахборот тақдим  
этиш қоидасига риоя қилишга (жумладан, суҳбатни энг аввал расмий тарзда  
саломлашишдан бошлаб, сўнг ўз хизмат муассасаси, лавозими ҳамда  
фамилияси, исми, шарифини айтиб, мақсадга ўтиш лозим, тақдим этиладиган

ахборот максимал қисқа, лўнда ва аниқ бўлиши керак, сўралаётган маълумот суҳбат жараёнида изланиши туфайли телефон тармоғини банд қилишга йўл қўйилмайди, зарурат бўлса, қайта қўнғироқни амалга ошириш мумкин);

ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга;

ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларни ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик иллатларидан, бошқа турли ҳалокатли таҳдидлар ҳамда биз учун ёт бўлган экстремистик таъсирлардан, “оммавий маданият” хуружларидан огоҳ этиб боришга;

таълим олувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда ва маърифий ишларнинг самарали шакл ҳамда услубларини ишлаб чиқишга кўмаклашишга;

ўз хизмат вазифаларини виждонан бажаришга шубҳа туғдирадиган хатти-ҳаракатларни қилмасликка, талабалар билан ўз ҳамкасбларини касбий ва шахсий камчиликларини муҳокама қилмасликка;

талабаларни асоссиз ўқув машғулотларидан чиқариб юбормасликка, шунингдек, талабага Университет талабалар сафидан четлаштириш (курсдан курсга қолдириш) ёки талабанинг мажбуран ўқишдан воз кечишига ундаш билан қўрқитмасликка, унинг асоссиз талабалар сафидан четлаштирилишига (курсдан-курсга қолдирилишига) олиб келмасликка;

академик гуруҳда (курсда) талабалар хулқининг умумий маданий ҳолати ҳақида факультет деканларига керак бўлган ҳолларда таъсир чоралари кўриш лозимлиги юзасидан ёзма маълумот тақдим этиш каби талабларни бажарадилар.

## **8-боб. Рағбатлантириш ва чора кўриш тартиби**

### **28-модда. Ходим ва талабаларни рағбатлантириш**

Ўқув йили давомида мазкур Кодексга тўла риоя қилган, Университетда юксак маънавий-ахлоқий муҳитнинг янада қарор топиши ва мустаҳкамланишига ўз ҳиссасини қўшган ходим ва талабалар раҳбарият, факультет деканлари, кафедра мудирлари ва бошқа таркибий бўлинма раҳбарлари тавсиясига биноан белгиланган тартибда моддий ёки маънавий рағбатлантирилишлари мумкин.

### **29-модда. Кодексга риоя қилишнинг аттестация ва бошқа жараёнлар учун аҳамияти**

Ходимлар томонидан мазкур кодексга риоя этилиши аттестациялар ўтказишда, юқори ва бошқа лавозимларга тайинлаш (карьеравий ўсиш) учун кадрлар захирасини шакллантиришда ҳисобга олинади.

### **30-модда. Кодекс қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик**

Университет ходим, талаба ва докторанти томонидан мазкур Кодекс қоидаларининг бузилиши уни белгиланган тартибда жавобгарликка тортишга асос бўлиб хизмат қилади.

### **31-модда. Кодекс ва ички тартиб-қоидаларнинг ўзаро муносабати**

Ходим, талаба ва докторантлар мазкур Кодекс қоидаларини бузганида, уларга нисбатан Университет Ички тартиб қоидаларининг VII бобида (Меҳнат ва ўқиш интизомини бузганлик учун жавобгарлик) қайд этилган чоралар қўлланилади.

## **9-боб. Одоб-ахлоқ комиссияси фаолиятини ташкил этиш**

### **32-модда. Одоб-ахлоқ комиссияси**

Мазкур Кодекс нормаларининг ходим, талаба ва докторантлар томонидан бузилишига оид масалалар, қоида тариқасида, Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан кўриб чиқилиши мумкин.

Шунингдек, Одоб-ахлоқ комиссияси, қоида тариқасида, Университет ректорининг кўрсатмаси бўйича;

хизмат текшируви натижаларига кўра;

ўз ташаббуси билан;

Университет ходим, талаба ва докторантларидан, шунингдек, Университетга алоқа каналлари орқали келиб тушган ахборот асосида ҳам ушбу турдаги масалаларни кўриб чиқиши мумкин.

Одоб-ахлоқ комиссияси камида 5 кишидан иборат таркибда тузилади. Одоб-ахлоқ комиссиясининг мақсади, вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ва унинг фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ бошқа масалалар Университет ректори томонидан тасдиқланган Одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисидаги низомда белгиланади.

### **33-модда. Одоб-ахлоқ комиссияси хулосаси**

Одоб-ахлоқ кодексининг бузилиши ҳолатларини Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан кўриб чиқиш натижалари бўйича интизомий ёки бошқа тарздаги қоида бузилишларининг мавжудлиги (мавжуд эмаслиги) тўғрисида хулоса чиқарилади. Айни вақтда Университет ректорига кўриб чиқиши учун қоидабузар ходим, талаба ва докторантни жавобгарликка тортиш тўғрисида таклиф киритилади. Йўл қўйилган қоида бузилишининг хусусиятини ҳисобга



олган ҳолда Одоб-ахлоқ комиссияси ходим, талаба ва докторантга нисбатан Одоб-ахлоқ кодексининг бузилишига йўл қўймаслик тўғрисидаги огоҳлантириш билан чекланиши мумкин.

Одоб-ахлоқ кодексига риоя этмаган ходим, талаба ва докторантни интизомий жавобгарликка тортиш бўйича буйруқ лойихаси факультет деканлари ва магистратура бўлими (талабаларга нисбатан), кадрлар бўлими (ходимлар ва докторантларга нисбатан) томонидан тайёрланади.

Ходим, талаба ва докторантлар ўзлари йўл қўйган қоида бузилиши, қоида бузилишининг кўриб чиқилиши жараёни ҳақида ахборотни олиш ва ўзини ҳимоя қилиш учун далилларни тақдим этиш, шунингдек, Университет қарорлари юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

#### **34-модда. Жамоатчилик назорати**

Ходим, талаба ёки докторантнинг хулқ-атвори устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш мақсадида, мазкур Кодексга риоя этмаганлик ҳолатлари Касаба уюшмаси кўмитаси, Хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳат кенгашлари ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилотида ҳам муҳокама қилиниши амалиёти жорий этилиши мумкин.

### **10-боб. Яқуний қоида**

#### **35-модда. Кодекснинг кучга кириши ҳамда унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш**

Мазкур кодекс Университет Кенгаши томонидан тасдиқланганидан сўнг кучга киради ва унга ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритиш Университет Кенгаши қарорига биноан амалга оширилади.